



2019 yil «23» март

104 – K - sonli

Samarqand sh.

“MOXSAR” МЧЖ ҚКга инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгилаган ҳолда нефтни қайта ишлаш заводи, автомобил шиналари ишлаб чиқиш цехи ва нефтни сақлаш омборхоналари қуриш учун ер участкаси ажратиш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки обьектларини ва ер участкаларига бўлган хукукларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят худудий танлов комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “MOXSAR” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига нефтни қайта ишлаш заводи, автомобил шиналари ишлаб чиқиш цехи ва нефтни сақлаш омборхоналари қуриш учун Жомбой тумани Ўзбекистон массивининг 467қ, 467ақ-контурлардаги 59,5 балли 12,0 гектар суғориб ҳайдаладиган ер майдони куйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш хукуки билан ажратиб берилсин:

нефтни қайта ишлаш заводи, автомобил шиналари ишлаб чиқиш цехи ва нефтни сақлаш омборхоналари қуриш учун 5,0 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиши;

2020 йил 1 октябрга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

150 та янги иш ўринларини яратиш;
ажратилган ер майдони ва туташ худудларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “MOXSAR” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. “MOXSAR” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига ажратилаётган 12,0 гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигини ўрнини қоплаш учун вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг маҳсус ҳисоб рақамига 1196593171 (бир миллиард бир юз тўқсон олти миллион беш юз тўқсон уч минг бир юз етмиш бир) сўм микдорида пул ўтказиш юклатилсин.

5. Жомбой тумани ҳокимлиги (У.Назаров), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов):


“MOXSAR” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича хужжатлар расмийлаштирилишини қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун ҳисобланган тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳукуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Нуркулов ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов